

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕХНАТИГА  
ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ МОДДИЙ  
РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Олий таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш ва таълим-тарбия ишлари даражаси ҳамда сифатини оширишда уларни моддий рағбатлантиришнинг самарали механизмининг жорий этиш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ҳамда соҳаларида эҳтиёж сезилаётган юқори малакали, рақобатдош кадрлар тайёрлашда профессор-ўқитувчилар таркиби кўшаётган ҳиссаси муносиб баҳоланишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошларига амалдаги доимий устама ва қўшимча тўловларни қўшган ҳолда такомиллаштирилган тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли **Фармони**га мувофиқ бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,2 баробар оширилиши билан бир қаторда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларига жорий этилаётган базавий лавозим маошларини ўртача 25 фоиз миқдоридан, жами эса 1,5 баробарга оширишни назарда тутсин.

3. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларининг лавозим маошларига алоҳида иш шароитлари, хорижий тилларни билиши, муайян хизмат муддатини адо этганлиги учун қўшимча ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа қўшимча ҳақ тўлашнинг амалдаги турлари ва миқдорлари сақлаб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар мазкур қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:  
олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг **базавий лавозим маошларини**;

Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги **низоми**ни тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 24 июль,  
ПҚ-926-сон

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 281-модда)*